

ADOLAT

№22
(674)
2008 йил,
16 май, жума

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

“ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ” КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

“Маънавият — инсонни руҳан поклаган, қалбан улғайтишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси,PRODASINI бақувват, йиғимон-эйтиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқисс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”.

Одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик булган маънавият ҳақидаги бу фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг яқинда «Маънавият» нашриёти томонидан чоп этилган «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобидан ўрин олган.

Шу йил 14 май кунини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг мажлислар залида ушбу китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Республика Маънавият ва маърифат кенгаши аъзолари ва фаоллари, атоқли олимлар, файласуфлар, таълим-тарбия, адабиёт, санъат ва маданият намояндлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.


Тақдимот маросимини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х.Султонов қўсқача қириш сўзи билан очди. Самимий мулоқот ва фикр алмашиш руҳида ўтган маросим-

муд Тоир, филология фанлари доктори Ш.Сирожиiddинов, тележурналист О.Тошбоев ва бошқалар сўзга чиқиб, китобда ўртага қўйилган муҳим ижтимоий-маънавий масалаларнинг моҳияти хусусида атрафлича фикр билдирдилар.

Бўлиб ўтган давра сўхбатда маънавият тушунчасининг илмий-назарий, тарихий ва замонавий тамойиллари китобда ўзининг ҳар томонлама чуқур ифодасини топгани, шу билан бирга, бугунги мураккаб даврда маънавиятга қарши қаратилган таҳдидларнинг кучайиб бораётгани ва бундай хатарларнинг туб илдизлари кўрсатиб берилгани ҳам қайд этилди.

Маълумки, бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Бу ҳақиқат давлатимиз раҳбарининг олдинги асарларида ҳам кенг шарҳлаб берилган эди. Мазкур китобда бу масала янада чуқурроқ таҳлил этилади.

Жамият ҳаётида, инсонлар онгида гоёвий бўшлиқ пайдо бўлган тақдирда уни бегона мафкура ва қадриятлар билан тўлдиролмайди. Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди. (ЎЗА)



СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ — ЭКСПОРТГА

Сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, бозорда муносиб ўрин эгаллаш иқтисодийнинг улмас қонуни саналади. Бугунги бозор талаб ва тақлифларнинг мунтазам ўзгариб туриши, хилма-хиллиги билан алоҳида ажралиб туради. Тадбиркорлардан эса ўз навбатида харидорлар дидига мос, замонавий ва муҳими, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш талаб этилмоқда. Сир эмас, юртимизда ишбилармонлар учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани

боис хоржий инвесторлар ҳам муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Буни биргина пойтахтимиздаги «BAYTEX TIKARET» масъулияти чекланган жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур хоржий корхонада жаҳон стандартларига мос 74 та замонавий тўқув, 70 та буюк ҳамда 1000 донна тикув машиналари ўрнатилган. Тўқув дастгоҳи бир кунда 20 тонна, буюк дастгоҳи эса икки баробар кўпроқ — 50 тонна маҳсулот етказиб бериш қувватига эга. Дастгоҳлар-

нинг тез ва сифатли ишлаши иш унумдорлигини янада ошишига хизмат қилмоқда. Корхона бош директори ўринбосари Омер Сайдамнинг айтишича, бу ерда йиллик экспорт ҳажми 9 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Аслида бу кўрсаткич иш бошлаганида кўп бўлмаган корхона учун етарлидир. Минг нафардан ортиқ ишчи хизмат қиладиган «BAYTEX, TIKARET» да ҳодимлар учун барча шароитлар яратилган. Носир ҚАЙДАРОВ олган сурат.

БАРЧАГА ДАҲЛДОР МАСАЛА

Тошкент Давлат аграр университетининг Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатасининг Аграр, сув ҳўжаллиги масалалари ва экология кўмиталари томонидан Республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда «Экин майдонларидан самарали фойдаланиш масалалари» мавзусида давра сўхбати ташкил қилинди.

Анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Республика Ер ресурслари, геодезия, картография ва кадастри Дав-

лат кўмитаси, Фермер ҳўжаликлари уюшмаси раҳбарлари ҳамда мутахассислари, Фанлар академияси, Аграр университети олимлари ва бошқа тегишли ташкилот вакиллари иштирок этишди. Тадбир қатнашчилари мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар хусусида тўхталиб ўтишди. Таъкидланганидек, республикаимизда ер унумдорлигини яхшилаш борасида қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари яратилган, улар изчилик билан амалга оширилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхши-

лаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг манткий давоми бўлди. Давра сўхбатда тупроқ унумдорлигини ошириш, экин майдонлари ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан тақлиф-мулоҳазалар билдирилди. Муҳокама якунлари бўйича тегишли тавсиялар белгилаб олинди. Ф.ЭСОНОВ, «Адолат» муҳбири.

МАШЪАЛА — БУХОРОДА



Мамлакатимиз ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг «Баркамол авлод-2008» спорт мусобақалари машъаласини Нукус шаҳрига олиб бораётган спортчилар Навоий вилоятидан ўтиб, Бухоро шаҳрига келди.

Марафончиларни навоийлик ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари тантанали кутиб олди. Навоий педагогика коллежидан марафончилар билан бўлган учрашувда Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида ҳар томонлама баркамол авлодини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ёшларнинг билим олиши, жисмонан соғлом камол топиши учун барча шарт-шароитлар яратилгани, иқтидорли йигит-қизларимиз халқаро спорт мусобақаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётгани таъкидланди. Коллеж бадийи жамоаси ижросида концерт дастури намойиш этилди.



Мамлакатимиз ёшларининг ўзига хос спорт байрамига айланган «Баркамол авлод-2008» спорт ўйинлари машъаласи Фиждубон, Вобкент ва Галасиёб шаҳарларини ортада қолдириб, Бухоро шаҳрига кириб келди. Шу муносабат билан бу ерда бўлиб ўтган тантанали маросимда сўзга чиққанлар Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли спорт ўйинлари навоий-

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ТАКЛИФЛАР ИНОБАТГА ОЛИНДИ

Қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлган йиғилишда дастлаб учинчи ўқиш учун кун тартибига киритилган «Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳаси жорий йилнинг апрель ойида депутатлар томонидан иккинчи ўқишда муҳокама қилиниб, айрим моддаларга мазмун ва тахрири жихатдан ўзгаришлар киритиш тақлиф қилинган. Бу мuddат оралиғида билдирилган тақлифлар атрафлича ўрганиб чиқилиб, инобатга олинди. Депутатлар қонун лойиҳаси нафақат қўтқарув хизматларининг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, балки фуқароларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасида ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашди. Фракция аъзолари қонун лойиҳасини учинчи ўқишда маъқуллашди.

Йиғилишда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари муҳокамасида бўлди. Ушбу масала юзасидан маъруза қилган Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзоси Самидулло Маҳмудов қонун лойиҳасига ўзгариш ва қўшимчалар киритишда йирик акциядорлик жамиятларининг фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, тақлифлар инобатга олинганини таъкидлади. Депутатлар мазкур қонун лойиҳасини учинчи ўқишда маъқуллашга қелишиб олишди. Фракция йиғилишида шуниингдек, «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жаобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг ҳўжалик процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам атрафлича муҳокама қилинди. Депутатлар ушбу қонун лойиҳаларини ҳам концептуал жиҳатдан маъқуллашди. Уктам ХУДОЙҚУЛОВ, «Адолат» муҳбири.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак

ДУНЁ ТИРГАГИ — МЕХР

Дунё тиргаги — меҳр. Инчинун, расули Акрам «Бир-бирингизга меҳр кўргазиб туринг», деганлар. Меҳрда таъма бўлмайди. У юракдан чиқиб, юракка ўтади. Забун ҳолни доволайди, қалбга қувват беради, умид чироғини ёқади...

Бир мисол: Норин туманининг Хаққулобод шаҳарчасида Салима Содидова деган аёл яшайди. Турмуш ўртоғи бевақт ҳаётдан кўз юмган бу аёл бошига ғам-андух қори эрта ёзди. Эрининг ўлимидан кейин қон-қариндошлари унинг ҳолидан хабар олиб туришди. Лекин қўлдан берганга қўш Сиздан нима кетди, қарнайчидан бир дуд. Бир қатим тўярмиди. Ниҳоят, кўни-қўшнилари кам таъминланган оилаларга қорамол сотиб олиш учун микрокре-

дит берилаётгани ҳақида гап топиб қелишди. — Тўғрику-я, — деди қўшнисининг гапидан иккинчи Салима опа, — лекин бунинг югур-югури ҳам оз-мунчамасдир... — Қўйсангиз-чи, — гапни чўрт кесди қўшни аёл, — ноумидлик ҳам эви билан-да. Сиздан нима кетди, қарнайчидан бир дуд. Бир қатим тўярмиди. Ниҳоят, кўни-қўшнилари кам таъминланган оилаларга қорамол сотиб олиш учун микрокре-

ПИЛЛА ТАРОЗИГА ТУШДИ

Фаргона вилояти пиллакорларининг дастлабки ҳосили тарозига тушди. Пиллачилик тармоғи етакчилари сифатида эътироф этилган Тошлоқ тумани заршунослари бу борадаги иш қўламлирини бошлаб берди. Жорий йилда туман пиллакорлари 3100 қути ипак курти уруғларини парваришлаб, ҳар қутисидан 56

килограмдан ортиқ саноат хомашёси етказиб бериш устида иш олиб боришмоқда. Қолаверса, ипак курти уруғлари янги агротехник таълаблари, плёнка остида парваришлангани озука базасидаги етишмовчиликларга барҳам берди. Айни пайтда Ўзбекистон, Бешарик, Данғара туманларида ҳам пилла теримига киришилди. Жорий йилда 41

(Давоми 2-бетда).

ДУНЁ ТИРГАГИ - МЕХР

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда)

Галнинг индаллоси, кўмакнинг ҳам кўмаги бўларкан. Ровийлар фикрича, муҳтожга ҳар кун бир балиқ эҳсон қилгандан кўра, унга яхши бир қармоқ ҳада қилган маъқул экан.

аёли, ҳамма яхши биладиган Ира буви - тўқсонни қоралаб қолди. Набиралар момони ўз туғишганларидан аъло кўришди, кадрлашди... Бу айрим кимсалар ўз ота-оналарини қариялар уйига элиб кўчирган бир пайтда айтаётган айт-гулик гап, шундай эмасми?

ли сихатгоҳларда саломатликларини тиклашди. Бунинг учун уларга бепул йўлланмалар берилди. Қолганлари-га 5 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам ҳам кўрсатилди.



«АТИРГУЛ - ГУЛЛАР МАЛИКАСИ»

Наманган вилояти партия Кенгаши ташаббуси билан Бобур номидаги истироҳат боғида «Атиргул - гуллар маликаси» номли мусиқали тадбир ўтказилди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИМИЗ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппаратида «Еш адолатчилар» Кенгаши ташаббуси билан «Ешлар: ОИТС ва гиёҳвандликка қаршимиз, соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

С.АБДУРАҲМОНОВ, «Адолат» мухбири.

Ўз мухбири.

ХОТИРА - ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуасида Хотира ва қадрлаш кўнига бағишланган тадбир ўтказилди.

Эстрада ҳонадаларининг дилрабо куй-қўшиқлари иштирокчилар қалбига ҳушудлик бағишлади.

С.АБДУРАҲМОНОВ, «Адолат» мухбири.

Ўз мухбири.

«БИТИРУВЧИ - 2008» ФОРУМИ

Денов тиббиёт коллежидан 2275 нафар талаба таҳсил олади. Улардан 875 нафари битирувчи ёшлар, Ёшларни мустақил ҳаётга қулайлаштириш, танлаган касбларини амалиётда қўллаш борасида ибратга арзигулик тадбирлар амалга ошириляпти.



Эшмамат ТУРАЕВ.

ТАЖРИБА БОР, ИМКОНИЯТ ЕТАРЛИ

Қарши шаҳрида Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати ҳамда вилоят партия Кенгаши ҳамкорлигида «Ўзбекистон «Адолат» СДП партия-вий фаолиятини кучайтириш ва ишга ёндашувни янгилаш жараёнида вилоят Кенгашининг иштироки» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда «Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сийёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қўлчи кирганлиги муносабати билан ҳудудий партия ташкилот ва депутатлар кенгашидаги партиявий гуруҳ олдига турган асосий вазифалар муҳокама қилинди.

чүқурроқ кириб бораётир. Шунга қарамадан партия нуфузини янада оширишда ҳали қилинмиш лозим бўлган ишлар талайгина.

Сайид ОЛИМ, «Адолат» мухбири.

Ўз мухбири.

Ш. СУЛТОНОВ, «Адолат» мухбири.

ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР КЎЗГУСИ

ёки шартнома пухта бўлса, даввога ҳожат қолмайди

Ҳуқуқий муносабатлар тақомиллашиб бораётган жамиятимизда шартнома тушунчаси алоҳида мазмун касб этмоқда. Чунки шартнома ва унинг замиридаги мажбуриятлар махсулот ишлаб чиқариш, ижтимоий муносабатларни белгилаш ҳамда фуқароларнинг турмуш эҳтиёжларини қондиришда муҳим омил ҳисобланади.

ҳожат қолмасди. Шунингдек, 25 нафари турмуш ўртоғим Андижон кўз касалликлари клиникасида бепул даволатиб келди.

ҳожат қолмасди. Шунингдек, 25 нафари турмуш ўртоғим Андижон кўз касалликлари клиникасида бепул даволатиб келди.



М.ХАКИМОВА, Фуқаролик ишлари бўйича Тайлоқ туманлараро судининг судьяси.



Муаллиф олган суратлар.

Газетада босилмади, аммо...

Тахририятимизга Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони, тадбиркор Нухридин Нидоев номидан шикоят хати келди. Унда жумланан шундай дейилганди:

ТЕЛЕФОН ҲАВАЛАТИ

«2007 йил май ойида «Шаҳар дехқон бозори»да жойлашган дўконимда пластик карточка билан савдо қилишни йўлга қўйдим. Лекин, мана салкам бир йилдирки, уни ишлата олмапман.

ҳавола этилган эди. Яқинда шу масала юзасидан мутасаддилардан куйидаги жавоб хати олинди:

БУГУННИНГ ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТИ

Президентимиз 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришнинг муҳим шартини қўйди.

бўлаги бўлган мазкур тармоқнинг келажақ истиқболлини белгилаб берди, десак асло муболага бўлмайди.

1 ИЮНЬ - ОТАЛАР КУНИ

Литва сейми (парламенти) Оталар кунини байрам сифатида эълон қилди. Бу байрам илк мартаба июннинг биринчи якшанбаси - 1 июн кунини нишонланади.

Хориж хабарлари

ШАРҚ МЎЪЖИЗАСИ

Дунёда энг балиқ баланд иншоот бўлиши кутилаётган ва ҳозирча қурилиши тугалланмаган Burj Dubai биноси қурувчилари янги рекорд ўрнатди: ойна панеллар 512 метр баландликка (иморатнинг 141 қавати) ўрнатилди.

ХИТОЙДА ЗИЛЗИЛА ВА ОШҚОЗОН ВИРУСИ

Бугун жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътибори Хитойга қаратилган. Сўнгги маълумотларга қараганда, мамлакатнинг Сичуан вилоятида юз берган 7,8 балли зилзила оқибатида 19 мингдан ортиқ киши вайронлар тағдида қолиб кетган.

С.САЙНАЗИРОВ, Ангрен телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи.

Фирдавс УМАРОВ, СамДУ талабаси.

Интернет хабарлари асосида

Нурани ПАРДАЕВ тайёрлади.

ДЕНОВ: ИСТИҚБОЛ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Мустақиллик йилларида Денов туманининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бугун тумanning қайси гушасида бўлманг, бир-биридан кўркем ва салобатли бинолар — янги қурилган коллеж, мактаб, лицейлар, бозорлару гузарларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Обод ва озод юрtda бахтли замонанинг бахтиёр кишиси бўлиб яшаётганингиздан яратганга шукроналар айтасиз.

Сина ва Боботоғ оралиғида жойлашган Денов тумани ҳақида ёзиш кишига ўзгача завқ бағишлайди. Негаки, шарқдан Сурхон, ғарбдан Қизилсув, шимоли шарқдан эса Тўпаланг дарёлари билан ўралган бу гуша бетақдор манзарага эга. Манбаларга кўра, айнан Денов тумани ҳудудида ўз даврининг маълуми машҳур Чағонийён давлати ҳукмронлик қилган. Минг йилликлар қаърига синган тарих ҳаққи-ҳурмати бугунги Денов хусусида ёзишдан олдин унинг ўтмишига бир қур назар ташлашни лозим топдик.

— Чағонийён Аҳмонийлар, Бақтрия, Грек-Бақтрия ва тўрт юз йил ҳукм сурган Кушон империяси даврида ҳам, Со-сонийлар, Хионийлар, Эфталитлар даврида ҳам, ниҳоят VII аср турк ҳоконлиги пайтида ҳам мустақил сиёсат юритган ривожланган давлат сифатида машҳур бўлган, — дейди биз билан суҳбатда филология фанлари номзоди, фольклоршунос олим Тоштемир Турдиев. — Бу ердаги маданият, қулоччилик, ҳунармандчилик, чорвачилик ҳамда деҳқончилик тараққий топган. Бу фикрга Чағонийён давлати ҳудудида бўлган ҳозирги Далварзинтепа, Холчаён, Будрачте-палардан археологик қазилмалар нати-жасида олинган топилмалар шохидлик беради.

Маълумотларга қараганда, Боки Ча-ғонийён Бобуршоҳ тарафида бўлгани учун Чағонийён давлати Шайбонийхон томонидан XVI асрда бутунлай вайрон қилинади. Таназулга ураган Чағонийён мозий қаърига шўнғийди ҳамда бир неча беклик — Денов, Бойсун ва бош-қаларга бўлиниб кетади. Хуллас, Денов тарихи қадимги Чағонийён давлати тарихи билан чамбарчас боғлиқ.

Истиқлол йилларида Денов тумани-да саннат, қишлоқ ҳўжалиги билан бир қаторда маданият, маънавият, илм-фан тараққийига кенг йўл очиб берилди. Бугун туманда юзлаб фермер ҳўжа-ликлари, илмий текшириш муассасала-

ри, автотранспорт ва қурилиш корхо-налари фаолият юритмоқда. Айтиш жо-изки, айнан шулар ҳисобига айни пайт-да туман иқтисоди барқарорлашиб, ри-вожланишга юз тутмоқда.

Тумanning жами ер майдони 119254 гектари ташкил этади. Шундан 25275 гектари сувли, 3328 гектари лалми ер майдонларидир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, тумандаги бугунги ижобий кўрсаткич-ларга осонликча эришилгани йўқ. Бу-нинг учун туман аҳли сидқидилдан меҳнат қилди, ислохотлар билан қадам-қадам одимлади. Бугун де-новликлар билан суҳбатлашсангиз, барчасининг фикр-ёди туман тараққий-ётганига хизмат қилиш, бой тарихий ме-росга садоқат ҳислари билан йўғрил-ганига гувоҳ бўласиз. Мана шундай садоқат ва собитқадамлик туфайли ишга онгли муносабатни шаклланти-

риш учун, аввало, ўқиш, ўқитиш иш-лари янгилаш ташкил этилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини изчил-лик билан татбиқ қилиш устида му-назам иш олиб борилди. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш юксак

талаблар асосида ташкил этилди. Одамларда миллий гуруҳ, қадриятлар-га ҳурмат ҳисси кучайди. Маданий-маърифий ва маънавий жиҳатларга му-носабат тубдан ўзгарди. Замонавий мактаб, соғлиқни сақлаш муассасала-ри қурилди. Қишлоқ ҳўжалиги ва са-ноат ишлаб чиқаришида туман вило-ятда олдинги ўринлардан жой олди. Бир сўз билан айтганда, мана шундай эзгу ишларнинг бариси туман аҳли-нинг аҳилигию меҳнатсеварлиги маҳ-сули сифатида рўёбга чиқди.

Сурхондарёлик тўрт нафар Ўзбеки-стон қаҳрамонининг барчаси айнан Де-нов туманидан эканлиги ҳам фикримиз-ни тасдиқлайди. Тумanning юксалиши-да муносиб ўрин топган, соҳасида ўрнак кўрсатган фидойи инсонлар улар.

Ҳа, туман ўзига хос тарихга, нафақат вилоятда, балки республика ижтимо-ий-иқтисодий ҳаётида салмоқли сало-ҳиятга эга.

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Мактабларга бугунгидек эътибор, ку-чайганини кўрмаганмиз. Шуни айтиш кераки, бугунги сай-ҳаракатлар, бун-ёқдорлик эртасиз эгалари бўлган ёш-ларимизнинг биздан кўра билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишларини қафо-латлайди.

Денов туманидаги таълим муассаса-

Туманда 1 та академик лицей, 8 та касб-ҳўнар коллежи, 92 та умумий ўрта таълим мактаби, 57 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 1 та футбол мактаби, ви-лоятда ягона бўлган шахмат мактаби фаолият юритмоқда.

ларида бугун ажиб бир кўтаринчилик ҳукм сурмоқда.

— Бу соҳада кенг кўлама амалга оши-рилатган ислохотлар самарасидир, — дейди туман халқ таълими бўлими му-дир Хайдар Сувонов. — Ўқитувчилар-нинг иш ҳақи ошди, янги мактаблар қуриляпти, таъмирланаяпти. Туман халқ таълими бўлимига қарашли 92 та умумий ўрта таълим мактабида 5033 нафар педагог ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Улардан 2763 нафари олий маълумотли мутахассислар. Жо-рий йилнинг биринчи чораги давомида кўплаб ижобий ишлар амалга оширил-ди. «Ёшлар йили» Давлат дастурини ҳаёт-

ётган шарт-шароитлар бизни янада чин дилдан ҳормай, толмай меҳнат қилиш-га ундамоқда, — дейди мактаб дирек-тори. — Қўлга киритилган ютуқлар бар-чамизники. Биз бу билан чекланмас-дан бундан-да юқори натижаларга эри-шишга ҳаракат қилиб келяпмиз. Мак-табимиз 1988 йилдан буён ўзини ўзи маблағ билан таъминлаб келади. Биз-нинг 0,7 га ер майдони, 0,02 га лимо-нариямиз бор, ҳар йили уч миллион сўмга яқин даромад оламиз. Олинган даромад ҳисобидан мактабни таъмир-лаш, кутубхона фондиди бойитиш, олимпиада голибларини рағбатланти-риш, кам таъминланган ходимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз. Мактабимиз қошидаги оромгоҳда ҳар йили 150 нафар ўқувчини дам олдира-миз. Кейинги уч йилда бу ерда наму-нали спорт майдончаси, ҳарбий ша-ҳарча, йўл ҳаракати ва география май-дончаси қурилди ва жиҳозланди, спорт зали капитал таъмирланиб, кўшимча 2 та синфхона қурилди. 2007 йилда мак-табнинг 50 ўринли филиали ўз мабла-ғини ҳисобидан қайта қурилди. Дар-воқе, жорий йилда туманда ўтказилган «Энг обод таълим муассасаси» кўрик-танловида 1-ўринни эгаллаб, вилоят босқичига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдик.

Дарҳақиқат, мактабда мактовга арзи-гулик жуда катта ишлар амалга оши-рилган ва ошириляпти. Шунинг учун бўлса керак, ушбу таълим муассасаси-да «Дарсликларнинг ижара тизими аф-залликлари» мавзусида республика халқ таълими вазирлигининг йиғилиши бўлиб ўтган. Вазирлик ходимлари ва бошқа раҳбарлар мактабда амалга оши-рилатган ишларнинг қўламини, таълим-нинг самарадорлигию юксак баҳо бер-ганлар.

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Саломатлик — инсоннинг энг катта бойлиги. У инсон фаолиятида, бахтли ҳаёт кечиришида муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли саломатлигини ас-раш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш нафақат фуқаролар, балки мамла-кат, юрт келажаги учун ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг

Тумандаги тиббиёт муассасаларида 5000 дан ортиқ тиббиёт ходимлари халқ саломатлиги йўлида меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисми олий маълумотли.

га татбиқ этиш мақсадида таълим муас-сасаларида фаолият кўрсатаётган 30 ёшгача бўлганларга уй-жой қуриш, ре-конструкция қилиш ва сотиб олиш учун, яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони ҳамда истеъмол кредитлари сўраб мурожаат қилган 69 нафар ёш оилали педагоглар руҳияти анкиланиб, тегшли ташкилотларга юборилди.

Бундан ташқари кўплаб мусобақа-лар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, «Ватанпарвар» ташки-лоти туман бўлими, мудофаа ишлари бўлими билан ҳамкорликда 9-11-синф-лар ўртасида «Шункорлар» ҳарбий спорт мусобақаси мактаб босқичи ўт-казилди. Унда туман босқичида 640 на-фар ўқувчилар иштирок этди. Мусоба-қада 1-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилар жамоаси ғолиб чиқиб, вило-ятда ҳам биринчи ўринни қўлга кирит-ди. Ушбу мактаб барча кўрсаткичлар бўйича нафақат туманда балки вилоят-да ҳам энг илгор таълим муассасаси ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам мактабга борган, му-дирнинг гапига ишонч ҳосил қилдик. Мазкур муассасага 1979 йилдан буён ўз ишининг устаси, фидойи инсон, «Дўстлик» ордени соҳиби Хосият Қо-раева раҳбарлик қилиб келмоқда. Унинг «Ўқувчи ёшларга иқтисодий таълим ва тарбия беришнинг асосий йўналишлар-и» мавзусидаги иш тажрибаси 1995 йилда вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти томонидан ом-малаштирилган. 1995 йилдан буён мак-таб туман мактаблари ўртасида реит-тинг кўрсаткичлари бўйича биринчи ўринда туради. Бундан ташқари, мак-таб республика миқёсида ўтказилган «Йил мактаби-99», «Йил мактаби-2003» кўрик-танловларида фахрли 3-ўринни, «Йил мактаби-2007» танловида эса, «Тадбиркор раҳбар ва жамоа» номина-циясини олишга муваффақ бўлди. Ютуқларни санаб адоғига етолмасиз. Ҳозирги кунда бу масканда 420 нафар ўқувчига 42 малакали ўқитувчи сабоқ бериб келмоқда.

— Хукуматимиз томонидан яратила-


мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизи-мида туб ислохотлар амалга оширил-дики, буни бугунги кунда аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрс-атаётган ўнлаб тиббиёт масканлари, чек-ка туманларда қад ростлаётган замо-навий ва кўркем шифохоналар мисо-лида ҳам кўриш мумкин. Денов тумани тиббиёт бирлашмасида ҳам мазкур йўналиш бўйича қатор ишлар амалга оширилиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Тумандаги шифохона-ларда беморларга малакали тиббиёт хизмат кўрсатиш учун барча қўлайлик-лар мавжуд.

— Шифохонамизда жами беш минг-га яқин тиббиёт ходимлари фаолият юритади, — дейди туман тиббиёт бир-лашмаси бош шифокори Юнус Уро-қов. — Улардан тиббиёт фанлари ном-зоди Холмурод Раҳимов, Раҳима Али-мардонова, Жовли Тоғаев, Баҳодир Иб-рагимов, Умарали Мелибоев, Лола На-зарова каби ўз ишининг фидойиларини алоҳида таъкидлашни истардим. Саба-би, уларнинг сай-ҳаракатлари туфай-ли шифохонамиз вилоятда катта обрў-эътиборга эга. Қолаверса, аҳоли сало-матлигини сақлашда сидқидилдан меҳ-нат қилиб ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келмоқда.

ЁШЛАР — ИШОНЧИМИЗ

Мамлакатимизда ёшларни касб-ҳўнарга йўналтириш бўйича олиб бо-рилатган ислохотлар ўз самарасини бера бошлади. Замонавий ўқув қурол-лари билан жиҳозланган илм маскан-лари чекка қишлоқларда ҳам савлат қўқиб турибди. Уларда минглаб ўғил-қизларимиз касб сирларини ўрганиш-моқда. Илму маърифатдан баҳраманд бўлишмоқда. Ана шундай зид маскан-ларидан бири Юрчи қишлоқ ҳўжалиги коллежидир.

Бу ерда айни дамда етти юз йигирма уч нафар талаба таҳсил олмақда. Кол-лежда 6 та йўналиш бўйича 48 нафар олий маълумотли ўқитувчи ва муҳандис педагоглар таълим бериб келмоқда.



Суратларда: «НИГ» масъулияти чекланган жамиятга қарашли тикув цехи, суюлтирилган газ билан таъминлаш шохбачаси, гишт ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятдан лавҳалар.

Ёшларнинг ҳар томонлама баркамол, етук мутахассис бўлиб етишишида на-фақат билим, балки жисмоний тайёр-гарлик ҳам катта аҳамиятга эга. Биз мас-канда аввало, имкониятлар қўлами кен-глигини эътироф этишимиз лозим...

— 20 гектар майдонни ташкил қил-диган ўқув-тажриба ҳўжалиги даромад манбаимиз ҳисобланади, — дейди кол-леж директори Бўри Бекмуродов. — Майдонга экилган ғалла ва пахтадан ҳар йили катта даромад оламиз. Олин-ган даромадлар ўқув шароитларини ях-шилашга сарфланади. Коллежда фер-мерлик мутахассислиги бўйича билим олаётганлар бир йўла ҳайдовчилик гу-воҳномасига ҳам эга бўлишади. Тала-баларга техникани бошқаришни ўрга-тишда зарур бўлган замонавий техни-калар ҳам олинаётган даромад ҳисоби-га келаяпти.

Узоқдан катнаб ўқийдиган ўқувчилар-имиз учун эллик ўринли ётоқхонада барча шароитлар яратилган. 150 ўрин-ли ошхона, компьютерлаштирилган 2 та синфхона, 12 та махсус фан, 17 та фан кабинетлари, 17 минг дано китоб жаамгармасига эга бўлган кутубхона та-лабалар ихтиёрида. Бир сўз билан айт-ганда, айни пайтда коллежда ёшлар-нинг билим олиши ва етук мутахассис бўлиб етишиши учун барча қўлайлик-лар муҳайё.

ХАЙРОБОДЛИКЛАР ШИЖОАТИ

Тумanning салохиятига тиргак бўла-ётган асосий корхоналардан бири бу —

Туманда 5 та саннат, 5 та транспорт, 4 та йирик қурилиш корхоналари ишлаб турибди. 624 киши хизмат қилаётган «Хайрободпахта» ҳиссадорлик жамияти ўтган йили 32000 тонна пахта хомашёсини қабул қилди. Шундан 11000 тонна тола, 18000 тонна чигит олинди.

«Хайрободпахта» ҳиссадорлик жамияти-дир. Негаки, айнан шу жамиятда иши-лар томонидан қўпгина туманларга уруғ-лик чигит сараланиб ва дориланиб от-казиб берилди. Албатта, ҳосилнинг си-фатли ва салмоқли бўлишида уруғлик чигитнинг аҳамияти катта. Бунга яқин англаган корхона ишчилари аввало, иш-нинг сифатига жиддий эътибор қара-тишган. Шу мақсадда корхонага янги технологиялар ўрнатилган.

— 62 киши хизмат қилаётган корхо-намизда деҳқон-фермерларимиз пе-шона тери эвазига етиштирилган пахта хомашёси сифатли, барча мейёр-ларга амал қилинган ҳолда қайта иш-ланиб, тайёрланган тола бир қатор хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда, — дейди жамият раиси Абдурашид Сафаров. — Жорий йил пахта ҳосили учун миришкорларга 750

тоннадан зийд уруғлик чигит саралаб бердик. Ўтган йили 32000 тонна пахта хомашёсини қабул қилдик. Ундан 11000 тонна тола, 18000 тонна чигит олинди. Жорий йил ҳосили учун 746 фермер ҳўжаликлари билан шартно-ма тузганимиз.

Корхона ходимларида ишчанлик кай-фияти ҳукмрон. Бу эса янги мавсум-нинг қизғин ва самарали ўтишидан да-лолат бериб турибди.

ФЕРМЕР — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиё-тида фермерлик ҳаракати ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Зеро, уларнинг айни ҳаракати тараққийнинг таянчи ва иқтисодий фаровонлик асосига айла-ниб бораётди.

Фермер ҳўжаликлари ташкил этили-ши қишлоқ ҳўжалиги соҳасида туб бу-рилиш ясади. Ер ҳақиқий эгасини топ-ди. Моддий манфаатдорлик орти. Жум-ладан, тумандаги «Асамов Али Мирзае-вич» фермер ҳўжалиги ҳақида ҳам шун-дай дейиш мумкин.

— Меҳнат қилсанг, кам бўлмайсан, — дейди фермер ҳўжалиги раисаси Хик-мат Кўчарова. — Мен доимо ишчиларим-га шуни уқтириб келаман. Бунга 23 на-фар аъзоларимнинг барчаси тушуниб етишган.


Ҳозирги кунда 18,5 гектарга ғалла, 27,6 гектарга пахта эканмиз. Улар ба-равж ривожланмоқда. Ўтган йили ғал-ладан 92 центнердан, пахтадан 61 цен-тнердан ҳосил олишга эришдик. Соф

даромад эса ўн беш миллион сўмини ташкил этди. Чамалаб кўрдик, бу йил ўтган йилгидан ҳам ортиқроқ ҳосил олинган имкониятимиз бор.

Дарҳақиқат, айни пайтда фермерлик ортидан боййган, бундан ўзи ҳам, эли ҳам манфаатдор бўлаётганлар бисёр.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакики, бугун Денов туманида ҳам мамлакат ис-лохотларига ҳамқаддам ижобий ўзгариш-лар олиб боришмоқда. Бунда туман ме-хнаткашлари, ишбилармону тадбиркор-лари, умуман, туман аҳлининг шижо-ти, жасорати, меҳнатсеварлиги мужас-сам. Бунинг натижасида Денов замона-вийлик, тараққий сари дадил одим-ларни ташламоқда.

Саҳифани «Адолат» муҳбири Музаффар АБДУШУКУРОВ тайёрлади. Суратлар муаллифи Носир ХАЙДАРОВ.



Суратларда 1-ўрта умумтаълим мактаби ўқувчилари, тиббиёт бирлаш-маси ходимлари ва «Денов деҳқон» бозори фаолияти акс этган.

